

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2018.Yu.74.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

ХОЛМУМИНОВ ОЙБЕК ЖУМАЕВИЧ

**ЕР УЧАСТКАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ФУҚАРОЛИК-
ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Докторлик (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации (PhD)

Content of the abstract of the doctoral (PhD) dissertation

Холмуминов Ойбек Жумаевич

Ер участкаларидан фойдаланишни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга
солишни такомиллаштириш.....3

Холмуминов Ойбек Жумаевич

Совершенствование гражданско-правового регулирования
пользования земельными участками.....23

Kholmuminov Oybek Jumaevich

Improvement of civil legal regulation of use
of land plots.....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....45

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2018.Yu.74.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

ХОЛМУМИНОВ ОЙБЕК ЖУМАЕВИЧ

**ЕР УЧАСТКАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ФУҚАРОЛИК-
ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи.
Халқаро хусусий ҳуқуқ

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Үи131 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) «Ziynet» таълим ахборот тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Рўзиев Рустам Жаббарович юримдик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Самарходжаев Батыр Билялович юримдик фанлар доктори, профессор
	Меҳмонов Қамбариддин Мирадхамович юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти ҳузуридаги юримдик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича DSc.30.08.2018.Үи.74.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «27» декабрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент в., Зангиота тумани Чорсу кўрғони. Тел.: (99871) 230-32-71, факс: (99871) 230-32-50; e-mail: mg-hti@umail.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент в., Зангиота тумани Чорсу кўрғони. Тел.: (99871) 230-32-71, факс: (99871) 230-32-50).

Диссертация автореферати 2019 йил «14» декабрь куни тарқатилди.
(2019 йил «____» _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Х. Рустамбаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юримдик фанлар доктори, профессор

М.М. Нурматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юримдик фанлар доктори, доцент

М.Б. Усманов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юримдик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ер билан боғлиқ бўлган ҳар қандай муносабатлар давлат ва фуқаролар ўртасидаги муомаланинг энг муҳим ва асосий объекти сифатида қаралиб келинади. Ҳар бир мамлакат қонунчилигида ер участкаларига эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш борасида турли хил ёндашувлар мавжуд. Бу эса, давлатнинг ваколатлари доирасида ер участкаларидан фойдаланиш тартибини мустақил белгиланганлиги ва давлат сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида муҳим ўрин эгаллаши билан изоҳланади.

Жаҳонда тараққиётнинг ҳозирги босқичида ер участкаларидан фойдаланиш ва уни тартибга солиш фуқаролик ҳуқуқининг ажралмас объекти сифатида ҳуқуқий мақомини белгилаш, унинг ўзига хос хусусиятларини, моҳияти, турлари ва уларни таснифланишини, соҳада шартномаларнинг ўрни ва аҳамиятини, ер участкаларига бўлган талабнинг ортиб бориши бу борада чуқур илмий-тадқиқот ишлари олиб борилишини тақозо этмоқда. Ер участкаларидан фойдаланишни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш ва бу орқали инсоннинг узвий ҳуқуқларини таъминлаш, ҳозирги кундаги глобаллашув жараёнларининг фундаментал асоси бўлиб, мамлакатларнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувида муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда ер участкаларидан фойдаланиш фуқароларнинг муҳим мулкӣ ҳуқуқларидан бири сифатида кафолатланган бўлиб, бу борада ер участкасидан фойдаланишнинг ижтимоӣ муносабатлардаги ролини ошириш, мазкур жараёнларнинг фуқаролик-ҳуқуқӣ асосларини такомиллаштириш юзасидан кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, жисмонӣ ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонунӣ манфаатларига оид ер участкаларидан фойдаланишнинг замонавий шаклларини жорий этиш¹ давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланганлиги бугунги кунда ер участкаларидан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш зарурлигини тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1995,1996), Ер кодекси (1998), Уй-жой кодекси (1998), «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги (1998), «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги (1998), «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги (2004), «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонунлари (2019) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 10 январдаги ПФ-5623-сон

¹ Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // [www. lex.uz](http://www.lex.uz).

«Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон «Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 январдаги 63-сон «Ер участкалари бериш ва яқка тартибдаги уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилишнинг замонавий ва шаффоф механизмларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини муайян даражада таъминлашга мазкур диссертация тадқиқоти хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда ер участкаларидан фойдаланишни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар цивилист-ҳуқуқшунос олимлардан Ҳ.Р.Раҳмонқулов, И.Б.Зокиров, Ш.Н.Рўзиназаров, Р.Ж.Рўзиев, О.Оқюлов, С.С.Ҳамроев, Д.М.Қараходжаева, Ф.Ю.Шодмонов, К.О.Синдоров, С.Б.Бобоқулов, Х.Т.Азизов, М.Баротов, Н.Имомов, Э.Эгамбердиев, В.Ё.Эргашев, ҳуқуқшунос эколог олимлардан, М.Б.Усмонов, Й.О.Жўраев, Ш.Х.Файзиев, У.Б.Бозоров, Ж.Т.Холмўминов, М.Р.Мирзаабдуллаева, Н.К.Скрипников, М.М.Нурматов, У.Аюбов, Г.Узоқова, Н.Р.Ахмонов, Р.Х.Кенжаев, Ш.О.Бобоқулов* лар томонидан кенг ўрганилган.

Жумладан, М.Б.Усмоновнинг илмий ишларида ер участкаларидан фойдаланишни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишда ерга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, ер ижараси муаммолари таҳлил этилган. Ушбу муаллиф ерга нисбатан мерос ҳуқуқи, ер сервитутининг илмий муаммоларига ҳам эътиборини қаратган¹.

Р.Ж.Рўзиев ва С.Б.Бобоқуловнинг илмий ишларида ер участкаларидан фойдаланишни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишда ижара, шу жумладан ер ижараси шартномасининг назарий ва амалий муаммолари чуқур таҳлил этилган².

* Ушбу олимларнинг ишлари диссертациянинг адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

¹ *Усмонов М.Б.* Тадбиркорларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи. – Т.: Адолат, – 2001. – 70 б.; Қишлоқ хўжалигида ижара. – Т.: – ТДЮИ, – 2005. – 184 б.

² *Рузиев Р.Д.* Договорно-правовые проблемы имущественного найма в условиях рыночной экономики: Автореф. ...дис. докт. юрид. наук. – Т.: 2002. – 11 с.; *Бобоқулов С.Б.* Иқтисодий ислохотлар жараёнида ижара шартномасини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий муаммолари. – Т.: ТДЮИ, 2007. – 144 б.; *Бобоқулов С.Б.* Ижара ҳуқуқи. Т.: ILM ZIYO – 2009. – 208 б.

К.О.Синдоров томонидан ер участкаларидан фойдаланишни фуқаролик-хукукий тартибга солишда қишлоқ хўжалигида фуқаролик шартномалари ўрганиб чиқилган¹.

Ф.Ю.Шодмоновнинг илмий тадқиқотлари ер участкаларидан фойдаланишни фуқаролик-хукукий тартибга солишда шартнома мажбуриятларини бажармаганлик учун юридик жавобгарлик муаммоларини тадқиқ этишга бағишланган².

М.Х.Баротов томонидан ер участкаларидан фойдаланишнинг фуқаролик-хукукий тартибга солиш жараёнида ер-оммавий мулк ҳуқуқининг объекти сифатида ўрганилган ва ерга нисбатан хусусий мулкчиликни жорий этиш муаммоларига алоҳида эътибор қаратилган³.

В.Ё.Эргашев илмий ишларида эса ердан фойдаланишнинг ўзига хос шакли сервитут институти тадқиқ этилган⁴ лигини кўришимиз мумкин.

МДХга аъзо давлатларда ер участкаларидан фойдаланишни фуқаролик-хукукий тартибга солиш масалалари Г.Е.Быстров, Б.В.Ерофеев, О.И.Крассов, А.Б.Венгеров, В.Н.Протасов, Н.А.Прохорова, Е.Н.Трубецкой, Г.Ф.Шершеневич, Н.М.Коркунов, А.А.Минаева, Н.В. Карлова, А.Х.Ходжиев, Ж.Х.Косанов, В.Н.Сидоренко, А.Г.Василенко, Д.С.Бугров, А.Ю.Колов, О.В.Бурлаченко, О.В.Шихалева, М.Н.Гаврилук, А.В.Калиничев, В.Е.Некрасов, Н.П.Лотникова, Ж.Я.Резник, О.В.Котарева, С.В.Андреев, А.А.Минаева, Г.А.Писарев, С.В.Карпинская, О.А.Косолапов, Н.Н.Сабирзянова, И.В.Ткачева, Н.Н.Школина, К.С.Митягин, А.В.Турицын, К.В.Симонова, Р.Н.Блинов, И.И.Гордиенко, Н.А.Маленков, К.В.Симонова, Н.А.Алексеева, А.А.Гавва, Н.П.Гришин, Р.А.Савин, Е.Н.Иванова, Ю.Л.Грачкова, О.Г.Авдоница, И.К.Сайфутдиновлар⁵ каби олимлар томонидан ўрганилган.

Юқорида баён этилганлар бозор иқтисодиёти шароитида ер участкаларидан фойдаланишни фуқаролик-хукукий тартибга солишнинг назарий ва амалий муаммолари Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилиги, шунингдек соҳага оид халқаро ҳужжатлар ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида комплекс тадқиқот иши сифатида ўрганилмаганлигидан далолат беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертациянинг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

¹ Синдоров К. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги шартномалар. – Т.: Янги аср авлоди. – 2003. – 24 б.

² Шодмонов Ф.Ю. Шартнома бўйича жавобгарлик. – Т.: Маънавият, – 2001. – 70 б.

³ Баротов М.Х. Мамлакатимизда ерга нисбатан хусусий мулкчилик истиқболлари: муаммо ва ечимлар: Ер қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари: илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: ТДЮИ, 2005. – Б. 92-97. Давлат мулк ҳуқуқи. – Т.: – ТДЮИ, – 2008. – 154 б.

⁴ Эргашев В.Ё. Ўзбекистон Республикасида мулк ҳуқуқининг долзарб муаммолари ва ривожланиш истиқболлари. – Т.: ТДЮИ, – 2009. – 128 б.

⁵ Ушбу олимларнинг ишлари адабиётлар рўйхатида батафсил кўрсатилган.

Академиясининг илмий-тадқиқот режасига мувофиқ «Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ички ишлар органлари иштироки: ҳолати, муаммолари ва ечимлари» илмий тадқиқот ишининг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида ер участкаларидан фойдаланишни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ер участкаларидан фойдаланишни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш ва унинг концептуал назарий асосларини таҳлил қилиш ҳамда ер участкаларидан фойдаланишни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни ривожланиш хусусиятларини ўрганиш;

ер участкаларидан фойдаланишни ашёвий-ҳуқуқий усулларини очиб бериш, ер участкасига доимий эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини таҳлил қилиш, мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини ва сервитут масаласини ўрганиш;

ер участкаларидан фойдаланишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари сифатида ер участкаларидан ижара асосида фойдаланиш, ер участкаларидан фойдаланишнинг бошқа мажбурият ҳуқуқий усуллари (бино ва уй-жойларни олди-сотди қилиш билан боғлиқ), ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқининг бекор бўлиш асосларини ўрганиш;

ер участкаларидан фойдаланишни шартномавий ва мажбурият-ҳуқуқий усулларини ўрганиш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда ер участкаларидан фойдаланиш соҳасини тартибга солувчи фуқаролик-ҳуқуқий нормаларни, уларни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикасида ер участкаларидан фойдаланишни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предметини бўлиб, ер участкаларидан фойдаланишни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги халқаро ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларнинг қонун ҳужжатлари, мазкур соҳада фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг қўлланилишига оид илмий доктрина, ҳуқуқни қўллаш ва фуқаролик ҳамда иқтисодий судлар амалиёти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда жамиятда юз бераётган воқеа ва ҳодисаларни ўрганиш, тўпланган тажрибаларни таҳлил этиш, умумлаштириш, анкета-сўров, дедукция ва индукция, тарихий-ҳуқуқий таҳлил, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, статистик маълумотларни ўрганиш каби методлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ер участкасидан бир йил мобайнида ва қишлоқ хўжалиги соҳасига тааллуқли бўлмаган эҳтиёжлар учун берилган ер участкасидан икки йил мобайнида фойдаланилмаганида ер

участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бекор қилинишига оид ҳолатларни белгилаш асослаб берилган;

мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ордер кимошди савдоси асосида сотиб олинганидан кейин ер участкасидан икки йил мобайнида фойдаланилмаганида, ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи гаровда бўлган тақдирда эса – гаров шартномаси муддати мобайнида фойдаланилмаганида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бекор қилиниши ҳамда фойдаланилмаётган ер участкалари уларнинг аввалги эгалари тўлаган қиймат ушбу эгаларга компенсация қилинган ҳолда олиб қўйилиши каби ҳолатларни белгилаш асослаб берилган;

фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман кенгашлари раёсатининг қарорига мувофиқ фермер ёки деҳқон хўжалигининг Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига аъзолиги тугатилганда ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бекор қилиниши асослаб берилган;

юрidik ва жисмоний шахслар ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқини, ер участкаларидан доимий ёки вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини тугатиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳамда мансабдор шахсларнинг қарорларидан норози бўлган тақдирда, ушбу қарорлар устидан судга шикоят қилиши мумкинлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

ер участкаларидан фойдаланишни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштириш, шунингдек, ер участкаларидан фойдаланишда мавжуд бўлган муаммоли ҳолатларни ва ер участкаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларида мавжуд бўшлиқларни тўлдириш лозимлиги асослаб берилган;

мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқидан фойдаланилмаганида ёки гаровда бўлган давр мобайнида ер участкаларини уларнинг аввалги эгалари тўлаган қиймат ушбу эгаларга компенсация қилинган ҳолда олиб қўйилиш ҳолатларини белгилаш асослантилган;

Диссертация натижаси бўйича ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ер участкаларидан фойдаланишни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонун нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, социологик тадқиқотларнинг анкета, интервью ва эксперт баҳолаш шаклларига асосланганлиги, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий

нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Бундан ташқари, муаллиф томонидан охириги уч йил (2016-2018 йиллар)да Тошкент шаҳар фуқаролик ва иқтисодий судлари томонидан ер участкалари билан боғлиқ низолари кўрилган жами 112 та иш ўрганилган ва улардан тадқиқот ишида фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертациянинг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, фуқаролик, тадбиркорлик қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда фуқаролик ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади. Тадқиқот ишининг назарий жиҳатларига таяниш келгусида ер участкаларидан фойдаланиш соҳасида тадбиркорлик фаолияти субъектларининг иштироки ҳамда фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг қўлланилиши билан боғлиқ янги илмий тадқиқотлар олиб бориш имконини беради.

Ишлаб чиқилган амалий тавсия ва хулосалардан ер участкаларидан фойдаланиш соҳасини тартибга солувчи миллий қонунчиликни такомиллаштиришда, шунингдек, ИИВ Академиясининг «Фуқаролик ҳуқуқи» фани бўйича маъруза, семинар ва амалий машғулотларда, ўқув ва методик қўлланмалар тайёрлашда ҳамда ер участкаларидан фойдаланиш билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш бўйича фуқаролик ва иқтисодий судлар амалиётида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ер участкаларидан фойдаланишни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бутун ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқи ёхуд ундан доимий ёки муддатли фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқининг бекор қилинишига оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 4 апрелдаги ЎРҚ-533-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунининг 1-моддасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг 2019 йил 22 майдаги 06/1-05/391вх-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифлар қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ер участкасидан самарали ва мақсадли фойдаланишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

юрidik ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини янада таъминлашга оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 4 апрелдаги ЎРҚ-533-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунининг 1-моддасида ўз ифодасини топган

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2019 йил 22 майдаги 06/1-05/391вх-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифлар ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини янада таъминлашни кафолатлашга хизмат қилган;

фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бекор қилинишига оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 4 апрелдаги ЎРҚ-533-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунининг 1-моддасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2019 йил 22 майдаги 06/1-05/391вх-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифлар фермер ва деҳқон хўжалиқларининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини янада таъминлашга хизмат қилган;

ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бекор қилинишига оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 4 апрелдаги ЎРҚ-533-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунининг 1-моддасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2019 йил 04 октябрдаги 117-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқини, ер участкаларидан доимий ёки вақтинча фойдаланиш ҳуқуқларини янада таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот ишининг асосий натижалари 14 та халқаро ва республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференциялари, давра суҳбатлари ҳамда илмий-мақолалар тўпламларида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш (шундан, 1 таси хорижий журнал ва 3 таси халқаро конференцияларда) илмий мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, ўн та параграфни қамраб олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 155 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ҳамда предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, уларнинг натижаларини

амалиётга жорий этилиш ҳолати, шунингдек нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Ер участкаларидан фойдаланишни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг умумий тавсифи**» деб номланган бўлиб, у уч параграфни ўз ичига олади. Ушбу бобда ер участкалари – фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатидаги моҳияти, турлари ва таснифланиши ҳамда ер участкаларидан фойдаланишнинг фуқаролик қонун ҳужжатларида тартибга солиниши таҳлили тадқиқ этилган.

Диссертант фикрича, «ер участкасидан фойдаланиш» ва «ер участкаси ижараси» тушунчалари ва унинг айрим турларига берилган таърифлар, билдирилган фикрлар таҳлилидан келиб чиқиб, «ер участкасидан фойдаланиш» ва «ер участкаси ижараси» тушунчаларини умумлаштириш, фуқароларнинг жамиятдаги ўзаро муносабатлари ва фаол турмуш тарзи олиб боришларида бевосита аҳамиятга эга бўлган ушбу тушунчанинг турли кўринишларини яққол намоён эта олмайди деган хулосага келиш мумкин. Бунинг асосий сабаби «ер участкасидан фойдаланиш» ва «ер участкаси ижараси» тушунчаларининг кенг маънода турли соҳаларда қўлланилиши ва ижтимоий ҳаётда ҳар хил тушунчалар орқали қўлланилаётлигидадир.

Тадқиқот ишида ер участкаларидан фойдаланишнинг концептуал назарий асослари, фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг ривожланиши ва унинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб ва жамият ижтимоий ҳаётидаги барча соҳаларни ўзида камраб олиши лозимлигини ҳисобга олиб, унга қуйидаги таъриф берилган: *«ердан участкасидан фойдаланиш – бу жисмоний ва юридик шахслар томонидан ердан фойдаланиш мақсади аниқ белгиланган ҳолда яъни битимлар асосида юзага келадиган кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларининг вужудга келиши, бошқа шахсга ўтиши, чекланишини (юкланишини), бекор бўлишини тан оладиган ҳамда тасдиқлайдиган ҳуқуқий ҳужжат асосида белгиланган ер майдонига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш тушунилади»* ва *«Ер участкаси ижараси деганда эса – бир тараф – ер участкасини мулкдори ёки у ваколат берган шахс (ижарага берувчи) – бошқа тараф (ижарага олувчи)га ер участкаси ёки унинг бир қисмини келишилган мақсадда фойдаланиш учун уни ҳақ эвазига вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланишга топшириш тушунилади»*.

Диссертацияда ер участкасининг фуқаролик ҳуқуқи объекти сифатидаги ўзига хос хусусиятларни таҳлил қилишда унинг қуйидаги белгиларга эга эканлигини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатилган:

биринчидан, *ер участкасидан фойдаланиш шаффофлиги*, яъни, ер участкасидан фойдаланиш жараёни очиқ ва бугунги давлат сиёсатига айнан мос бўлиши;

иккинчидан, *ер участкасидан фойдаланишнинг қонунийлиги*, яъни, мулкдор эгалигидаги ер участкасидан қонундан белгиланган тартибда ва шартлар асосида фойдаланиши, ҳуқуқий ҳолда бўлиши;

учинчидан, *ер участкасидан йил давомида қайта-қайта фойдаланиш мумкинлиги*, яъни ушбу фаолият бўйича мулкдор эгалик қилаётган ер участкасидан бир неча бор, такрор фойдалана олиши;

тўртинчидан, *ер участкасини хусусийлаштириш мумкинлиги*, яъни 2019 йил 1 июль кунидан эътиборан жисмоний ва юридик шахслар ўзларига тегишли бўлган ер участкасини фуқаролик ҳуқуқи муомуласи объекти сифатида пуллик асосда хусусийлаштириши мумкинлиги.

Шунингдек, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг бир тоифаси сифатида ер участкасини хусусий мулк ва уни келгусида ҳам фуқаролик ҳуқуқи муомаласида бўлишини батафсил намоён этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 81, 209-моддаларини янги таҳрирда баён этиш фуқаролик ҳуқуқлари объектларининг турлари таркибига киритиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ер кодексига 3²-модда. Ер муносабатлари объектлари сифатида бир қатор тушунчаларни киритиш белгиланган.

Тадқиқот ишида ер участкаларининг муҳимлиги уларни нафақат назарий ва амалий жиҳатдан ишлаб чиқиш, балки қонунда мустаҳкамлаш зарурлиги асосланиб, «ер участкасини ижарага олувчи», «ер участкасини ижарага берувчи», «ер участкаси гарови (ипотекаси)», «ер муносабатлари», «ер участкаси сервитути», «ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг чекланиши», «ер участкасидан фойдаланувчи», «ер участкасидан вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи», «мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи», «ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи», «ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқи», «ерларни хусусийлаштириш» тушунчаларининг қонунда белгиланиши мазкур тушунчалар ва соҳада фаолият юритаётган субъектлар учун ҳам мустаҳкам ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилиши асослантирилган.

Тадқиқотда ер участкаларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари бир қанча бўлиб, улар қатор мураккабликларга эгалиги, бу борадаги қонун ҳужжатларини ўрганишда уларни тизимлаштириб, хусусияти, тартибга солиш предмети ва механизмига кўра таснифлаб олиш лозимлиги асослантирилди:

биринчидан, ер ва ер участкаларидан фойдаланиш соҳасидаги қонун ва қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари;

иккинчидан, ер участкаларидан фойдаланиш амалиётини тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қўлланиш жараёнини таъминлашда фойдаланиладиган тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатлари;

учинчидан, бу фаолиятга фуқаролик-ҳуқуқий фаолиятнинг бир тури сифатида қараб, фуқаролик ҳуқуқий қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган жиҳатларини ажратиб олиш.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ер участкаларидан фойдаланишни ашёвий-ҳуқуқий усуллари ва уларни такомиллаштириш**» масалаларини тадқиқ этишга бағишланган. Мазкур бобда ер участкаларидан фойдаланиш соҳасида шартномаларнинг ўрни, тизими ва хусусиятлари, мулк ижараси ер участкасини ижараси кўрсатиш шартномаси тушунчаси, предмети ва мазмуни таҳлили ҳамда ер участкаларидан фойдаланиш соҳасида тарафларнинг шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим

даражада бажармаганлиги учун жавобгарлиги асослари ва уларни кўлланилиши бўйича асосланган таклифлар илгари сурилган.

Диссертант бугунги кунда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида ер участкаларидан фойдаланишнинг баъзи турлари ўзида оммавий шартномаларга хос белгиларни намоён этмоқда деб ҳисоблаб, ЕКнинг 4¹-модда. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитасининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси *ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида:*

ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ер муносабатларини тартибга солиш, ер тузишни ва ерлар мониторингини ташкил қилиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш ва қайта тиклаш бўйича ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш; тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; ерлардан оқилона фойдаланилиши ва улар муҳофаза қилиниши устидан давлат назоратини амалга ошириш; геодезия ва картография фаолиятини бошқариш; давлат геодезия назоратини ташкил этиш; давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш; давлат ер кадастрини, давлат картография-геодезия кадастрини, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини, шунингдек Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш таклифини илгари сурган.

Шунингдек, Ер кодексининг 18¹-модда. Ерга нисбатан хусусий мулкчилик.

Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда вужудга келади: якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун берилган ер участкалари хусусийлаштирилганда; савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари улар жойлашган ер участкалари билан бирга хусусийлаштирилганда; ер участкалари якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун кимошди савдоси асосида сотиб олинганда.

Ўзбекистон Республикасида юридик шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда вужудга келади:

уларга мулк ҳуқуқида тегишли бўлган бинолар, иншоотлар ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари жойлашган ер участкалари хусусийлаштирилганда; корхоналар, бино ва иншоотлар ер участкалари билан бирга хусусийлаштирилганда; ер участкалари объектларни қуриш учун сотиб олинганда.

Хорижий давлатлар ва Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотларнинг ер участкаларига мулк ҳуқуқи уларга бинолар ёки биноларнинг қисмларини, улар жойлашган ер участкалари билан бирга реализация қилишда, шунингдек уларнинг ваколатхоналари биноларини қуриш учун ер участкалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда реализация қилинган тақдирда вужудга келади.

Дипломатия корпуси ходимларининг, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган матбуот вакилларининг, фирмалар, компаниялар ва халқаро ташкилотлар доимий ваколатхоналари ходимларининг, чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарда доимий асосда ишловчи шахсларнинг, шунингдек республикада доимий истиқомат қилувчи ва яшаш учун гувоҳномаси бўлган шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи уларга уй-жой бинолари шу бинолар жойлашган ер участкалари билан бирга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда реализация қилинганда вужудга келади деб асослайди.

Фуқаролик ҳуқуқида мавжуд шартномаларнинг бир нечта тури ер участкасидан фойдаланиш билан бевосита қўлланилишидан келиб чиқиб, уларнинг тизимини шартли равишда уч гуруҳга ажратишни таклиф этади:

биринчиси, бевосита ер участкаси билан боғлиқ бўлган олди-сотди шартномаси;

иккинчиси, ер участкасидан фойдаланишни назарда тутувчи мулк ижараси шартномаси, уй-жойни ижарага бериш ва бино ва иншоотларни ижарага бериш шартномаси, текин фойдаланиш шартномаси;

учинчиси, бевосита ер участкасидан фойдаланишни ташкил этиш ва йўлга қўйиш билан боғлиқ бўлган рента ҳамда ҳады шартномаларидир.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ер участкаларидан фойдаланишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари**»га бағишланган.

Мазкур бобда тадбиркорлик фаолияти субъектлари иштирокида тузиладиган ер участкаларидан фойдаланиш ҳақидаги шартноманинг намунавий моделини такомиллаштириш масалалари ва ер участкаларидан фойдаланиш соҳасини тартибга солувчи фуқаролик-ҳуқуқий нормаларни ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг изчиллигини таъминлаш, уларнинг энг замонавий бозор нормаларига мувофиқлигини баҳолаш, иқтисодиётни бошқариш тизимини янада чуқурлаштириш, такомиллаштириш ва либераллаштиришга жиддий эҳтиёж мавжудлиги ер участкаларидан фойдаланишга оид фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштириш зарурлигини тақозо этаётганлиги ва мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ер участкаларига оид қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш амалга оширилиши лозим бўлган долзарб масалалардан бири ҳисобланиши ва бунинг учун эса, қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий чораларни амалга ошириш мақсадга мувофиқлиги юзасидан қуйидагилар таклиф этилган:

биринчидан, мавжуд қонунчиликдаги ер участкаларидан фойдаланиш фаолиятига оид барча қонун ва қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни танқидий нуқтаи-назардан кўриб чиқиб тизимлаштириш ҳамда бугунги кунда мавжуд норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу соҳага оид ижтимоий муносабатларни қанчалик тартибда қамраб олаётганлигини ўрганиб, мавжуд бўшлиқларни тўлдириш лозимлиги ва бевосита ушбу жараёнда хорижий

давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганган ҳолда мазкур илғор тажрибаларни миллий қонунларимизга жорий этиш ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларини миллий қонунларга имплементация қилиш ишларини жадаллаштириш таклифи асослаб берилган;

иккинчидан, Фуқаролик кодексининг 557-моддаси 2-қисми сифатида «ер участкаларини ижарага бериш шартномаси ёзма шаклда тузилиши ва нотариал тасдиқланиши лозим»;

учинчидан, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик», «Ер», «Уй-жой» кодекслари ҳамда «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги қонунлари доирасида Ўзбекистон Республикасининг «*Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларни хусусийлаштириш тўғрисида*»ги қонунини қабул қилиш асослантирилган;

тўртинчидан, ер участкаларидан фойдаланишга оид фаолиятини мувофиқлаштириш, соҳада хизмат кўрсатаётган субъектларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида нотижорат ташкилотлар бўлган уюшмалар (иттифоклар) ва комиссияларни ташкил этиш таклифи илгари сурилган;

бешинчидан, ер участкаларидан фойдаланиш соҳасида ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш ҳамда ҳозирги кун талабига жавоб берадиган профессионал кадрларни тайёрлаш ва уларни соҳага оид хизматлар бозорига жалб этиш таклифи билдирилган;

олтинчидан, бугунги кунда аксарият ҳолларда ер участкаларидан фойдаланиш фаолиятига оид низолар шартнома тарафлари томонидан шартнома шартларининг, яъни тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, хизматлар сифатига оид қоидалар, мажбуриятлар бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда белгиланадиган жавобгарлик мезонларининг аниқ (конкрет) кўрсатилмаслиги оқибатида келиб чиқаётганлиги сабабли тегишли фуқаролик ҳамда иқтисодий судлар томонидан ушбу соҳада фаолият юритаётган субъектлар фаолиятининг қонунийлиги юзасидан назоратни олиб борадиган маҳаллий давлат органлари билан биргаликда ҳар бир хизмат тури бўйича намунавий шартномаларни ишлаб чиқиш ҳамда тегишли хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш бўйича давра суҳбатлари, конференциялар, семинарлар ташкил этиш орқали уларнинг мазмун-моҳиятини кенг ва тўлиқ тушунтириш ҳамда маҳаллий давлат органлари яъни туман (шаҳар) ҳокимиятлари, нотариат органлари, давлат солиқ органларини ҳамда ўзини ўзи бошқариш органларини намунавий шартномалар билан уларни таъминлаш лозимлиги асослантирилган.

ХУЛОСА

Амалга оширилган тадқиқот натижасида қуйидаги умумназарий ҳулосалар, қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар

хамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантиришга доир тавсиялар илгари сурилади.

I. Умумназарий хулосалар

1. Қуйидаги тушунчаларга муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилди:

ер участкасидан вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи – юридик ёки жисмоний шахснинг давлат мулкидаги ер участкасидан давлат ҳокимияти органининг қарори билан мустаҳкамланган белгиланган муддатларда фойдаланиш ҳуқуқи;

мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи – фуқаронинг ҳаёт даврида амал қиладиган ва унинг меросхўрларига белгиланган тартибда ўтказилиши мумкин бўлган ер участкасидан яқка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш ҳамда деҳқон хўжалигини, шунингдек жамоа боғдорчилиги ва узумчилигини юритиш учун фойдаланиш ҳуқуқи;

ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи – юридик ёки жисмоний шахснинг давлат мулкидаги ер участкасидан давлат ҳокимияти органининг қарори билан маҳкамланган белгиланган муддатсиз фойдаланиш ҳуқуқи;

хусусийлаштириш – фуқаролар ва давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг давлат мулки объектлари ёки давлат акцияларини давлатдан сотиб олишидир;

ерларни хусусийлаштириш – жисмоний шахслар ва нодавлат юридик шахслар томонидан ер участкаларини давлатдан хусусий мулк қилиб сотиб олиш;

ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш – ерлардан ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларсиз фойдаланиш.

2. Сервитутнинг асосий хусусиятларини қуйидагиларда кўриш мумкин:

биринчидан, сервитут ўзганинг еридан фойдаланиш асосида вужудга келади; *иккинчидан*, келишув асосида келиб чиқади; *учинчидан*, ўзганинг ер участкасидан тўлиқ эмас, чекланган тарзда фойдаланилади; *тўртинчидан*, сервитут келишуви икки томонлама ёки кўп томонлама хусусиятга эга; *бешинчидан*, сервитут суд тартибда ҳам белгиланиши мумкин; *олтинчидан*, сервитут тўғрисидаги келишув давлат рўйхатига олиниши керак.

